

МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРУВЧИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Қадрли фарзандларим!
Аввало, сиз, азизларни ҳаётингиздаги бугунги унутилмас қувончли воқеа — мактаб таълимини муваффақиятли тугатиб, етуқлик шаҳодатномасини қабул қилиб олаётганингиз ва мустақил ҳаётга қадам қўяётганингиз билан самимий муборакбод етаман.

Ушбу шукўҳли айёмда мамлакатимиздаги 10 мингдан зиёд мактабда меҳрибон устозлар, хурматли ота-оналар иштирокида “сўнгги кўнғироқ”лар жаранглаб, 450 минг нафардан ортиқ битирувчи ёшларимиз шаънига эзгу тилаклар билдирилмоқда.

Барчамиз бу фикрларга чин дилдан қўшилган ҳолда, катта орзу-умидлар билан келажак режаларини тузаётган ўғил-қизларимизга уларни амалга оширишда улкан куч-гайрат, омад ва зафарлар тилаймиз.

Айниқса, мактабни олтин медаль билан битираётган 11 минг 500 нафардан зиёд фарзандларимизга, 2 мингдан ортиқ қумуш медаль соҳибларига ўқиш ва изланишда, жамоат ишларида ўз тенгдошларига доимо ўрнак ва намуна бўлиб келаятганлари учун алоҳида таъриқ ва тилакларимизни изҳор етамиз.

Азиз битирувчи ёшлар!
Бугунги кунда биз ўз олдимизга қўяётган буюқ мақсадларни амалга оширишда бутун халқимиз қатори, биллими, ҳунари, тадбиркор ва ватанпарвар, ҳар томонлама етуқ ёшларимизга таянамиз.

Келажакимиз эгалари бўлган навқирон авлодимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишда катта бунёдкор куч сифатида иштирок этиши учун зарур шароитларни яратиб бермоқдамиз. Жумладан, сизларнинг замонавий илм ва касб-ҳунарлар, она тили билан бирга хорижий тиллар, IT ва инновацион технологиялари, ижод ва тадбиркорлик соҳаларини пухта эгаллашингиз учун ҳозирги кунда 201 та олий ўқув юрти, 598 та техникум, кўплаб мономарказ ва технопарклар, кутубхоналар, маданият, санъат ва спорт муассасалари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Таълимнинг барча бўғинларида ўқув-тарбия ишларининг сифати ва натижадорлигини ошириш, битирувчи ёшларимизга танлов имкониятларини кенгайтириш учун янги-янги тизим ва дастурлар, электрон платформалар ишга туширилмоқда.

Сизлар ана шундай беқиёс имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ёшлик фаслининг олтинга тенг ҳар бир дақиқасини қадрлаб, келгусида Ватанимиз мустақиллигини, эл-юртимиз манфаатларини барча соҳаларда дадил ҳимоя қиладиган етуқ кадрлар, онгли ва олижаноб инсонлар бўлиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қиласиз, деб ишонаман.

Шуни асло унутманг, одамзот ҳаётида муносиб ўрин топиши, эл-юртнинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлиши учун миллий ва умуминсоний қадрият-

ларни эгаллаб, доимо олдинга интилиб яшашни, изланиш ва ўрганишдан асло тўхтамаслиги керак.

Ҳалол ва машаққатли меҳнат, илмга, касбга, ота-она ва онлага садоқат, ҳеч шубҳасиз, инсонни юксалтиради, унинг ҳаётини файзли ва чарогон етади.

Айниқса, сизлар каби навқирон, азму шижоатли ёшларимизга шиддатли замондан ибрат олиб, ҳар кунни бир натижага эришиб, иродангизни синовларда тоблаб, фақат ва фақат олдинга қараб бориш ярашади.

Аминман, сизларнинг янги ғоя ва ташаббусларингиз, турли соҳалардаги ютуқларингиз Янги Ўзбекистонни янада қудратли етадиган моддий ва маънавий асосларни барпо этишга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилилади.

Сизлардек ўз кучига ишонган, қатъиятли ёшлардан қадрдон мактабингиз, азиз устозларингиз ва ота-оналарингиз, бутун халқимиз фақат эзгу ишлар ва ёрқин натижалар кутади.

Ана шундай юксак ишончга доимо муносиб бўлинг!

Интилиш, изланиш ва янгилик яратишдан асло чарчаманг!

Мустақил ҳаёт сари илк қадамларингиз кутлуғ бўлсин, азиз ўғил-қизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ, ТАҚДИРИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Бугун эрталаб аксарият хонадонларнинг чироғи ҳар кунгидан барвақт ёнган бўлса ажаб эмас.

Боиси, юртимиздаги минглаб ўқувчилар катта ҳаётга қадам қўяётир.

Шу боис, бу йилги “сўнгги кўнғироқ” овози уларга ҳар йилгидан кўра жарангдор, маъноли ешитилган бўлса керак, назаримда. Шу маънода, “сўнгги кўнғироқ” тадбирларини зўр ҳаяжон, катта умид ва келажакка ишонч руҳи билан ўтказишга катта тарадуд кўрдик.



Боиси, мана шу қутлуғ кунда мамлакатимиздаги барча мактабларда “сўнгги кўнғироқ” садолари жаранглаб, 1 миллион 84 мингдан зиёд ўғил-қиз навбатдаги ўқув йилини тугатаётган бўлса, шундан 450 мингдан зиёди катта ҳаётга йўлланма олмақда.

Бу кун нафақат янги Ўзбекистон ёшлари, балки уларнинг ота-оналари ва устозлари, умуман, бутун мамлакатимиз учун жуда қадрли ва муҳим санадир. Чунки битирувчи ёшларимиз улкан имкониятлар тақдим

етадиган бутунлай янги ҳаёт оstonасида турибди. Бу, албатта, барчамизга катта гурур-ифтихор бахш етади.

Юртимизда мактаб битирувчиларининг катта ҳаёт оstonасида ўз йўлини қийналмасдан, қоқилмасдан топиши учун барча зарур чоралар кўрилмақда. Айниқса, кейинги йилларда навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга

чиқаришга жуда катта эътибор қаратилляпти. Чунки юртимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюқ мақсадларга киришилган экан, шубҳасизки, ушбу мақсадлар рўёби, жонажон ватанимизнинг келажаги, тақдири ва тараққиёти бугун шинам синфхона ва аудиторияларда кунт билан таълим олаётган ёшлар қўлида.

► Давоми 4-бетда

Нуктаи назар



ТДТ НОРАСМИЙ САММИТИ: ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАББУСЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

Мамлакатимизнинг ташқи сиёсат борасидаги чуқур ўйланган, ҳар томонлама мувозанатли, очик ва прагматик, аввало, халқ манфаатлари устувор саъй-ҳаракати, халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги фаол иштироки нуфузли ташкилотлар, хорижий экспертлар, мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари, хорижий етакчи ОАВ томонидан эътироф этилмоқда.

Биргина мисол: Туркий давлатлар ташкилотининг Будапештда бўлиб ўтган норасмий саммити арафасида Венгриянинг етакчи “Hungarian Conservative” ахборот-таҳлилий нашрида “Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидagi етакчилиги: Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарашлари” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда Ўзбекистонда ТДТ кун тартибини белгилаб берувчи ва унинг халқаро майдондаги таъсирини кучайтирувчи қатор чуқур ислохотлар бошланди, дея таъкидланади. Бундан англаш мумкинки, Ўзбекистоннинг ташкилотдаги роли ва илгари сураётган ташаббусларини етакчи экспертлар ва хорижий ОАВ юксак баҳоламақда.

Ўзбекистон бугун турли халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо. Улар орасида ТДТ аъзоларининг маданияти, тили, анъаналари, тарихи, қадриятлари муштарақлиги билан алоҳида аҳамият касб етади. Ухшаш тил, ягона дин, тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган бу тузилма минтақавий кўп қиррали ҳамкорлиқнинг самарали сиёсий-дипломатик платформасига, Марказий Осиё ва Евроосиёдаги сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнларнинг муҳим иштирокчисига айланиб, халқаро майдондаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВЕНИЯ ГЛОБАЛ ИҚЛИМ БИРДАМЛИГИ ЙЎЛИДА УМУМИЙ МАҚСАДЛАРГА ЭГА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусарнинг таклифига биноан 21-22 май кунлари ушбу мамлакатга амалга оширган расмий ташрифи ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда самарали натижаларга бой бўлди. Бинобарин, кейинги йилларда товар айирбошлаш уч баробар кўпайган бўлса, ташриф доирасида ушбу кўрсаткични янада ошириш, энг аввало, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва импорт ўрнини босиш ҳисобига биринчи босқичда 500 миллион еврога етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Эришилган келишувларга кўра, технологик модернизацияга ургу берган ҳолда Саноат кооперациясини ривожлантириш дастури тайёрланади. Шу маънода, Словения етакчи компанияларининг Ўзбекистонда электротехника, ускунасозлик,



муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб қайиришни маҳаллийлаштириш, электротехника жихозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавотларни

сақлаш ва қайта ишлаш, “яшил” энергетика объектларини қуриш ва модернизация қилиш шулар жумласидан.

► Давоми 2-бетда

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси





ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви, турли инқирозлар, жумладан, пандемиялар, табиий офатлар ҳамда геосиёсий муаммолар мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эҳтиёжини кескин оширмоқда. Бундай шароитда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳар бир давлат учун стратегик аҳамият касб етмоқда.

Ўзбекистон учун ҳам ушбу масала устувор аҳамиятга эга. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, давлат томони-

аввало, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир стратегик ҳужжатларда бу борада белгиланган мақсадларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида айни йўналишда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш мақсади белгиланган. Ушбу мақсад доирасида бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 5000 долларга, қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт қийматини йилига 10 миллион долларга, ҳосилдорликни пахта бўйича ўртача

► Давоми 3-бетда

► Давоми 2-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Нуқтаи назар

ТАТ НОРАСМИЙ САММИТИ:
ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ТАШАББУСЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

“

Президентимиз транспорт алоқалари масаласига алоҳида тўхталиб, “ягона дарча” ҳамда “яшил коридорлар” тизимларини тезроқ йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди. Зеро, ушбу ташаббус Транскаспий халқаро йўлаги орқали юк ташиш ҳажминини ошириш ва божхона-чегара тартибларини соддалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.



Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВЕНИЯ ГЛОБАЛ
ИҚЛИМ БИРДАМЛИГИ ЙЎЛИДА
УМУМИЙ МАҚСАДЛАРГА ЭГА

Бошланиши 1-бетда

— Ўзбекистон ва Словения атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун катта салоҳиятга эга, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бош мутахассиси Анвар Турсуналиев. — Ҳозир икки мамлакатнинг тегишли экологик вазирликлари ўртасида расмий битимлар бўлмаса-да, амалдаги шартлар асосида қатор устувор йўналишлар белгиланиши мумкин, бу эса самарали ҳамкорлик, тажриба алмашиш ва қўшма ташаббуслар амалга оширилишига замин яратади.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири иқлим сиёсати бўйича тажриба алмашиш бўлиши мумкин. Словения 2021 йилда 2050 йилгача бўлган узоқ мuddатли



“

Словения ҳудудининг ярмидан кўпи ўрмонлар билан қопланган, табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш тизимига эга, бу тизимга миллий парк, учта минтақавий парк, 49 та ландшафт парки, 56 та табиат қўриқхонаси ва мингдан ортиқ табиат ёдгорлиги киради. Ушбу тажриба Ўзбекистон учун ер деградациясини тиклаш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва экологик мониторинг тизимини такомиллаштиришда қўл келади.

иқлим стратегиясини тасдиқлади ва иқлим нейтраллигига эришиш ҳамда чиқиндиларни камайтириш мақсадини белгиледи. 2005 йилдан 2019 йилгача Словения иқтисодиётнинг карбон газини 36 фоиз қисқартирди — бу Европа Иттифоқи ўртача кўрсаткичидан юқори. Ушбу тажриба Ўзбекистон учун жуда қизиқарли, чунки мамлакатимиз ҳам иқтисодиётни декарбонизация қилиш ва глобал иқлим ўзгаришларига мослашиш йўлида изчил ҳаракат қилмоқда.

Словения ҳудудининг ярмидан кўпи ўрмонлар билан қопланган, табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш тизимига эга, бу тизимга миллий парк, учта минтақавий парк, 49 та ландшафт парки, 56 та табиат қўриқхонаси ва мингдан ортиқ табиат ёдгорлиги киради. Ушбу тажриба Ўзбекистон учун ер деградациясини тиклаш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва экологик мониторинг тизимини такомиллаштиришда қўл келади.

Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиёт соҳасида Словения дунёнинг энг тоза ва экологик жиҳатдан

йўналтирилган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Словения бошқарув тизимининг ўзига хос тажрибаси ва циркуляр иқтисодиётнинг жорий этилиши, шунингдек, Любляна шаҳри чиқиндиларни нолга айлантирган дунёдаги камдан кам шаҳарлардан бири сифатида диққатга сазовор. Ўзбекистон “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш мақсад қилган ҳолда Словения тажрибасидан фойдаланиб, чиқиндиларни бошқаришнинг барқарор тизимини яратиши ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича тажриба ўрганиши мумкин.

Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети халқаро фаолиятини кучайтириш доирасида Словения етакчи олий таълим муассасалари — Любляна ва Марибор университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболли йўналиш ҳисобланади. Ушбу университетлар дунё бўйича атроф-муҳит фанлари соҳасидаги энг яхши 1000 та олий таълим муассасаси қаторига киради, бу эса академик алмашинувлар, қўшма тадқиқотлар ва экологик таълимда

инновацион ёндашувларни жорий этиш учун кенг имкониятлар очади.

Ҳамкорликни тизимлаштириш ва тўлиқ алоқалар ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Словения табиий ресурсларни ҳимоя қилиш ташкилотлари ўртасида битим имлолаб чиқиш ва имзолаш таклиф қилинмоқда.

Ўзбекистон Словения томонига “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида ўтказиладиган қатор халқаро тadbирларда иштирок этиш, хусусан, шу йил 19-21 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган “Есо Expo Central Asia 2025” халқаро экологик кўргазмасида “яшил” технологиялар ва табиий ресурсларни ҳимоя қилиш сиёсатини намойиш этиш учун миллий павильон ташкил этишни таклиф қилди. 24 ноябрь — 5 декабрь кунлари эса Самарқандда Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция (СИТЕС) томонлар конференциясининг 20-йигилиши (COP20) ўтказилиши режа қилинган. Словения иштирокидаги ушбу нуфузли анжуман ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турларини ҳимоя қилиш борасида халқаро мулоқотни кенгайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон ва Словения иқлими, табиий шароитлари ва иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатидан фарқ қилидиган мамлакатлар, лекин экологик барқарорлик масалаларида умумий мақсадларга эга. Шу маънода, ўзаро алоқалар ривожига глобал иқлим бирдамлиги руҳида самарали минтақалараро ҳамкорликнинг ажойиб намунаси бўлиши шубҳасиз.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Анваржон МИРКОМИЛОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази
бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Венгрия кузатувчи мақомига эга бўлишига қарамай, ташкилотнинг энг фаол иштирокчиларидан бири сифатида туркий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришдан доимий манфаатдор эканини намойиш этмоқда.

Жорий йил 20-21 май кунлари Будапешт шаҳрида ТДТнинг “Шарқ ва Ғарбнинг учрашув жойи” шiori остидаги норасмий саммитида Туркия, Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлат етакчилари билан бирга ташкилот бош котиби ҳам иштирок этди.

Саммитда давлатимиз раҳбари, аввало, дунёдаги глобал вазиятга баҳо берар экан, мураккаб геосиёсий-геоиктисодий зиддиятлар, минтақавий низолар ва иқлим ўзгариши оқибатларининг кучайиши барча давлат учун қийин синов бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Муаммоларга фақат халқаро ҳуқуқ меъёrlари, БМТ низоми асосида ечим топиш зарурлигига эътибор қаратди.

Президентимизнинг концептуал аҳамиятга эга таклиф ва ташаббусларини тизимлаштирсак, у қатор йўналишларни ўз ичига олишини кўрамыз.

Биринчиси, давлатимиз раҳбари ТДТ халқлари ҳамкорлигининг узоқ мuddатли

“

Иккинчиси, “Турк-трейд” онлайн платформасини яратиш ва Савдони ошириш амалий дастурини қабул қилиш таклифи мамлакатлар ўртасида ўзаро савдо улушини кескин кўпайтиришга қаратилган тақдирлардан бири бўлди.

Учинчиси, Президентимиз транспорт алоқалари масаласига алоҳида тўхталиб, “ягона дарча” ҳамда “яшил коридорлар” тизимларини тезроқ йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди. Зеро, ушбу ташаббус Транскаспий халқаро йўлаги орқали юк ташиш ҳажминини ошириш ва божхона-чегара тартибларини соддалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йил ноябрида Тошкентда Туркий давлатларнинг Халқаро мультимодал транспорт ва логистика форуми ўтказилди. Бу масалаларга илмий-амалий таклиф ва тавсияларни бир даврда муҳокама қилиш учун қўлай имкониятдир.

Тўртинчиси, инновацион лойиҳаларни рағбатлантириш учун қўшма венчур компания ташкил этиш ва мамлакатларимизнинг инвестиция имкониятларини тўлиқ акс эттирган “Ягона инвестиция портали”ни жорий этиш таклифи илгари сурилди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

20 ЙИЛДАН СЎНГ ЎЗБЕК ТИЛИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
ОЛИМПИАДА НАВОЙИЙ БОБОМИЗ НОМИ БИЛАН ҚАЙТДИ

Тил — миллат кўзгуси



Одилжон САТТОРОВ,
“Ватандошлар” жамоат фонди
бошқарув раиси

Кейинги йилларда чет элдаги ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Натijaда “Ватандошлар” жамоат фонди хорижда истиқомат қилаётган юртдошларимиз билан изчил ва тизимли мулоқот ўрнатди. Бундай мулоқотлар орқали нафақат алоқалар мустаҳкамланди, балки ватандошларимизнинг таклиф ва ташаббуслари асосида қатор амалий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, хориждаги болажонлар ёзги оромгоҳларда дам олиши учун “Анор” лойиҳаси йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ёши катта ватандошларини тарихий ватани билан боғлаш ва ёшларнинг миллий ўзлигини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Чинор” лойиҳаси, “Ўзбекистон — ёш рассомлар нигоҳида”, “Зукко китобхон”, “Сиз Ўзбекистонни биласизми?” каби лойиҳалар хориждаги ватандошлар билан бирдамлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари иштирокида 50 дан ортиқ онлайн учрашув, ватандошлар билан 100 дан ортиқ турли мавзуда юртимиз олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари, магистрантлари ва талабаларига вебинарлар ташкил этилди.

“Ватандошлар” жамоат фонди хориждаги ватандошларни она юрт билан янада мустаҳкам боғлаш, уларни миллий ўзлик, тил ва маданиятга муҳаббат билан илҳомлантиришни ўз олдига устувор вазифа қилиб белгиланган. Бу эса янги Ўзбекистоннинг очиқ ва глобал сиёсатини намоян эътидан муҳим жараёнлардан бири.

Ана шу бирдамликни янада мустаҳкамлаш учун фонд чет элдаги ёш ватандошларга мўлжалланган Ўзбек тили онлайн таълим платформасини ишга туширди. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб хориждаги юртдошларимиз учун мамлакатимиздаги давлат олий таълим ташкилотларида ўзбек тили ва адабиёти, тарихи, маданияти ва санъати таълим

йўналишларида бакалаврият дастурида 30 та давлат гранти ажратилди.

“Ватандошлар” жамоат фонднинг 2024 йилдаги фаолияти ижобий ўзгаришларга бой бўлди. Жумладан, қўшни давлатларда 77 нафар ўзбек тили фани ўқитувчиси учун малака ошириш курслари ташкил этилди. Бу курслар нафақат билим ва тажриба алмашиш, балки мулоқот ва келгусидаги режаларни белгилаш майдонига айланди.

Хориждаги ўзбек тили фани ўқитувчиларининг аксарияти ана шундай мулоқотларда бир таклифни яқдил илгари суради: “Нега Ўзбек тили бўйича халқаро олимпиадани Ўзбекистонда тикламаймиз?”

Аслида, бундай олимпиада 20 йил аввал ўтказиб келинган, ammo кейинчалик номалум сабаблар билан тўхтаб қолган экан. Ватандошларнинг ана шу эзгу таклифига қўлоқ тутиб, ўзбек тили бўйича халқаро олимпиадасини тиклаш ташаббусини илгари сурдик. Яхши ният билан ушбу олимпиадага буюк бобомиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий номини бердик.



Мазкур беллашув Алишер Навоий номидаги ўзбек тили бўйича халқаро олимпиада сифатида ташкил этилди. У жорий йил 17-18 май кунлари Тошкент шаҳридаги Абдулла Қодирий ижод мактабида хориждаги ўзбек мактаблари ўқувчилари ва ўзбек тили ихлосдорларини бўлган таълим муассасаларининг 9-, 10-, 11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилди.

Олимпиада Адиллар хиебонини зиёрат қилиш ва Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Шунингдек, иштирокчилар ўзбек романчилиги асосчиси — Абдулла Қодирий ҳайкали пойига гул қўйди. Бу тadbирлар ўзбек тили ва маънавиятимизга эҳтиромнинг амалдаги ифодаси бўлиб, барча ватандошлар, айниқса, ўқувчилар қалбига умрбод муҳраниди.

Шу маънода, ўзбек тили халқаро олимпиадаси юртимиздаги миллатлараро дўстлик, ватандошлар ва тил сиёсатининг ҳаётий ифодаси бўлди. Олимпиада Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Швецияда яшайётган этник ўзбеклар ҳамда ўзбек мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этилди. Унда қўшни давлатлардан 36 нафар ўқувчи келиб иштирок этган бўлса, 10 нафар ёш ватандошимиз Швецияда туриб онлайн қатнашди. Мазкур тadbирдан асосий мақсад чет элдаги ёш ватандошлар қалбига ўзбек тилига муҳаббат уйғотиш ва рағбатлантириш, тилимизни чуқур ўрганишга интилишини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Олимпиада натижаларига кўра, 11-синф ўқувчилари орасида 1-ўрин Ҳаётхон Эшонкелдиева (Тожикистон), 2-ўрин Доно

Султанмуратова (Қозоғистон) ва 3-ўрин Розия Чалабаева (Қозоғистон)га насиб этди. 10-синф ўқувчилари орасидаги баҳсда Дилнора Ахматбаева (Қозоғистон) 1-ўрин, Шадияр Шамахмудов (Қозоғистон) 2-ўрин ва Ойзода Умаралиева (Қирғизистон) 3-ўринга муносиб кўрилди.

Олимпиаданинг энг ёш иштирокчилари — 9-синф ўқувчилари орасида 1-ўринни Жасмина Содикова (Қозоғистон), 2-ўринни Райҳона Абсаломова (Тожикистон) ва 3-ўринни Милохот Сулаймонова (Тожикистон) банд этди.

Ғолиблар нафақат ўз билими, балки ўзбек тилига муҳаббати билан ҳам барчадан ажралиб турди. Улар синовларда ўзбек тили ва адабиётига оид билимларини намоян этди. Ғолибларга эсдалик совғалар, диплом ва медаллар тақдим этилди.

Олимпиада сабаб ўзбек тилини миллий гурур деб қадрлайдиган ва уни келажак авлодга етказишни мақсад қилган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани кўзга яққол ташланди. Шу жиҳатдан ҳам олимпиада ўзбек тилига муҳаббатни мустаҳкамлаш, чет элда истиқомат қилаётган ватандошларнинг фарзандларини юртимизга маънавий боғлашдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Алишер Навоий она тилини “ҳикматлар хазинаси” дея ўрганган ва ардоқлаган. Биз унинг маънавий меросини давом эттирувчи авлод сифатида ўзбек тилини нафақат ватанимизда, балки хориждаги кўплаб ватандошларимиз орасида ҳам қадрлаш, ҳаёт тарзига айлантириш борасида яна кўплаб ишларни бажаришни мақсад қилганмиз.

Бугунги глобал дунёда тил нафақат мулоқот воситаси, балки миллатни сақлаб қолиш, унинг юрагидаги ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш воситасига айланган. Шу боис, биз хориждаги ҳар бир ватандошимиз ўз она тилида гаплашиши, ўзининг ким эканини билиб, миллий қадриятларини фахр билан ҳимоя қилиши ва ўзлигини сақлаб қолишини истаймиз. Бундай истак ўз-ўзидан амалга ошмайди. Алишер Навоий номидаги ўзбек тили халқаро олимпиадаси ана шу йўлда бизга бекиёс хизмат қилиши шубҳасиз.

